



ЎЗБЕКИСТОНДА УЧ СЕКТОРЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

**Мухаммедов Мурод Мухаммедович** -

Самарқанд иқтисодий ва сервис институти "Иқтисодий назарияси" кафедраси профессори, и.ф.д.

**Мардонов Баҳодир Бахронович** -

Самарқанд иқтисодий ва сервис институти Рақамли иқтисодий кафедраси доценти, PhD.

**Муродов Шавкат Фарходович** -

Самарқанд иқтисодий ва сервис институти Банк ва молия хизматлари факультети 3-курс талабаси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a14](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a14)

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш динамикаси таҳлил қилинган, ижтимоий-иқтисодий муаммолари ўрганилган ва истиқболда уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари асослаб берилган. Иқтисодий ўсиш, бандлик ва қашшоқликни камайтириш муаммоларини ҳал қилиш учун хизмат кўрсатиш соҳасининг алоҳида ўрни ва имкониятлари кўриб чиқилган. Уч секторли иқтисодий шакллантиришнинг таҳлили ҳамда ривожланган Ғарб давлатларининг илғор тажрибаси берилган. Бундан ташқари мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш зарурлиги ҳамда мақсадга эришиш йўллари асосланган.

**Калит сўзлар:** хизматлар, хизмат кўрсатиш соҳаси, уч секторли иқтисодий, иқтисодий инқироз, таълим хизматлари, туризм, рақамли хизматлар бозори, турмуш даражаси, қашшоқлик, миллий бойлик, қишлоқ хўжалиги, саноат.

МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПРОЦЕССОВ ФОРМИРОВАНИЯ  
ТРЕХСЕКТОРНОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Мухаммедов Мурод Мухаммедович** -

Самаркандский институт экономики и сервиса профессор кафедры «Теория экономики», д.э.н.

**Мардонов Баҳодир Бахронович** -

Самаркандский институт экономики и сервиса доцент кафедры «Цифровая экономика» (PhD).

**Муродов Шавкат Фарходович** -

Самаркандский институт экономики и сервиса Студент 3-го курса факультета «Банковское дело и финансовые услуги»

**Аннотация.** В статье анализируется динамика развития сферы услуг в Узбекистане, изучаются социально-экономические проблемы и обосновываются приоритеты ее развития в будущем. Рассмотрены возможности сектора услуг в решении проблем экономического роста, занятости и сокращения масштабов бедности. Приводится анализ формирования трехсекторной экономики и передовой опыт развитых стран Запада. Кроме того, в статье обоснована необходимость совершенствования отраслевой структуры сферы услуг и предложены пути решения этой проблемы.

**Ключевые слова:** услуги, сфера услуг, трехсекторная экономика, экономический кризис, образовательные услуги, туризм, рынок цифровых услуг, уровень жизни, бедность, национальное богатство, сельское хозяйство, промышленность.

MACROECONOMIC ANALYSIS OF THE PROCESSES OF FORMATION  
OF A THREE-SECTOR ECONOMY IN UZBEKISTAN

**Mukhammedov Murat Mukhamedovich** -

Samarkand Institute of Economics and service Professor of the Department "Theory of Economics", Doctor of Economics

**Mardonov Bahodir Bahronovich** -

Samarkand Institute of Economics and service Associate professor of the Department "digital economy", PhD.

**Muradov Shavkat Farxodovich** -

Samarkand Institute of Economics and service 3-year student of the Faculty Banking and financial services

**Annotation.** The article analyzes the dynamics of the development of the service sector in Uzbekistan, studies socio-economic problems and substantiates the priorities of its development in the future. The possibilities of the service sector in solving the problems of economic growth, employment and poverty reduction are considered. The analysis of the formation of a three-sector economy and the best practices of developed Western countries is given. In addition, the article substantiates the need to improve the sectoral structure of the service sector and suggests ways to solve this problem.

**Keywords:** services, service sector, three-sector economy, economic crisis, educational services, tourism, digital services market, standard of living, poverty, national wealth, agriculture, industry.

**Кириш.** Кишилик жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичида хизмат кўрсатиш соҳаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, фаолиятимизнинг барча жабҳаларига кучли таъсир кўрсатади[1]. Шу сабабли хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш асосида уч секторли иқтисодиётни шакллантириш ва постиндустриал жамиятга ўтиш жаҳон ҳўжалиги тараққиётининг глобал муаммосига айланди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммоларига алоҳида эътибор берилмоқда. Давлат мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар доирасида 2030 йилгача бўлган даврда ҳамда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясига мувофиқ, қашшоқликка қарши курашдек олижаноб вазифани ўз олдига қўйган, халқнинг турмуш даражаси ва шароитларини муттасил яхшилашга интилади. Бироқ Ўзбекистонда бошланган барқарор иқтисодий ўсиш суръатига бутун дунё мамлакатларининг иқтисодиётини издан чиқарган коронавирус пандемияси кучли зарба берди. 2020 йилда пандемиянинг салбий оқибатлари туфайли жаҳон иқтисодий ўсиш суръати 4,3 фоизга пасайди. Бу 2008-2009 йилларда содир бўлган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даражасидан анча юқори.

БМТ экспертлари вирус сабабли юзага келган иқтисодий инқироз сўнгги 90 йилда содир бўлган энг кучли инқироз деб ҳисоблайдилар. Жаҳон банкининг тахмин қилишича, пандемия оқибатида юзага келган иқтисодий инқироз туфайли Ўзбекистон ЯИМ ўсиш суръати 2020 йилда 0,6 фоизга қадар пасайган (2019 йилда 5,6 фоиз). Шу билан бирга, 2021 йилда мамлакатдаги иқтисодий ўсиш 4,3 фоизни ташкил этиши тахмин қилинган [2]. Ўзбекистон иқтисодиётини тиклаш учун пандемия муносабати билан чекловчи чоралар хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам жиддий таъсир кўрсатди.

Жамоат транспортида саёҳат қилиш, меҳмонхоналар ва умумий овқатланиш корхоналари, шунингдек, дам олиш ва ўйин-кулги жойларида кишилар тўпланишига қўйилган чекловлар иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга мазкур хизмат турларига салбий таъсир кўрсатди. Бироқ Ўзбекистон иқтисодиётининг турли хил хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ сектори нафақат Ўзбекистоннинг жиддий зарар кўрган миллий иқтисодиётини тиклаш нуқтаи назаридан, балки унинг узоқ муддатли истиқболда ривожланишини таъминлаш учун ҳам муҳимдир. Шу сабабли хизматлар соҳасининг бугунги ҳолати ва келажакда ривожланиш

хусусидаги тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этади.

**Адабиётлар таҳлили.** Иқтисодчилар томонидан хизмат кўрсатиш соҳаси муаммоларини ўрганиш нисбатан анча кеч – XX асрнинг дастлабки босқичларида бошланди. Узоқ вақт давомида (XIX асрнинг охиригача) хизмат кўрсатиш соҳасига том маънода мустақил иқтисодий соҳа сифатида қаралмади. Хизматлар моддий ишлаб чиқаришдан ажратилган ҳолда, қиймат яратиш қобилиятига эга бўлмаган (моддий соҳадан фарқли ўлароқ), шу сабабли миллий бойликни яратиш нуқтаи назаридан “аҳамиятсиз” деб қаралган эди. Масалан, жаҳонга машҳур инглиз иқтисодчиси Адам Смит ўз даврида хизмат кўрсатиш соҳасини ижтимоий бойлик яратишда иккинчи даражали деб ҳисоблаган. Шу мақсадда у “унумли” ва “унумсиз” меҳнат тушунчаларини яратди. Адам Смит жамият бойлиги фақат унумли меҳнат, яъни моддий ишлаб чиқариш орқали яратилади, деб ҳисоблаган.

Хизматларни эса ижтимоий бойликка қўшилиши учун ҳеч қандай асосга эга бўлмаган яхшилик сифатида ўрганишни таклиф қилган. У моддий ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган, унумсиз меҳнат билан банд бўлганлар тоифасига руҳоний, шифокор, адвокат, актёр, ёзувчи, мусиқачи ва қўшиқчи сингари касб эгалари хизматларини киритган [3].

Фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасидаги меҳнатнинг унумсизлиги ҳақидаги бундай ёндашув ушбу соҳанинг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги аҳамияти ҳақида нотўғри муносабат шаклланишига олиб келди. Кейинчалик Адам Смитнинг бу ёндашуви кўплаб иқтисодий таълимотлар учун пойдевор вазифасини бажарди. Натижада хизматлар соҳасининг мамлакат миллий бойлигини яратишдаги аҳамиятини камситувчи айрим ҳолларда умуман инкор этувчи назария ва илмий ёндашувлар юзага келди. Собиқ совет даврида ҳам унумли меҳнат натижасида моддий шаклнинг вужудга келиши яратилган маҳсулот фойдалилигини баҳолашнинг асосий мезони сифатида қабул қилинди.

Бундай ёндашув натижасида соғлиқни сақлаш хизматлари, илм-фан ва таълим, маданият ва санъат, спорт ва туризм ва бошқа жуда муҳим хизмат турлари самарасиз меҳнат натижалари сифатида таснифланди. Табиийки, у моддий маҳсулот сифатида ЯИМ таркибига киритилмади. Айни пайтда савдо, умумий овқатланиш, таъминот, транспорт, алоқа ва бошқа айрим хизмат турлари ЯИМ таркибида моддий товарлар сифатида қабул қилинди. Бундай хатти-ҳаракатлар нафақат ижтимоий ишлаб чиқаришда хизматлар ролини камситиш, балки мамлакат миллий даромадини ҳисоб-китоб қилишда чалкашлик ва ноаниқликлар юзага

келишига сабаб бўлди. Энг муҳими, миллий даромадни шакллантириш методологиясида мантиқий яхлитлик бузилишига олиб келди.

Адам Смит даврида хизматлар кишилар томонидан истеъмол қилинадиган жами товарларга нисбатан анча оз миқдорни ташкил этган. Мутахассисларнинг фикрича, 1900 йилда жами иқтисодий фаол аҳоли таркибида хизмат кўрсатиш соҳасида банд кишилар улуши атиги 20 фоизни ташкил этган [4]. Табиийки, Адам Смит даврида хизмат соҳасида банд бўлганларнинг жами ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳоли сонидаги улуши бундан сезиларли даражада кам бўлган.

Фридрих Энгельс Адам Смитнинг “унумли” ва “унумсиз” меҳнат тушунчалари ҳақидаги қарашларини такомиллаштирди: “сиёсий иқтисод биладиган ягона қиймат – товарларнинг қиймати”[5]. Бундан моддий шаклга эга бўлмаган хизматлар янги қиймат яратмайди, деган хулосага келинади. Улардан фарқли равишда Карл Маркс муайян хизмат турларида қиймат ва истеъмол қиймат яратиш хусусиятига эга эканлиги тўғрисидаги фикрни илгари суради. У Адам Смитнинг “унумли” ва “унумсиз” меҳнат тушунчаларини чуқур таҳлил қилиб, хизматнинг моҳияти ҳақидаги ғоялар нотўғрелигини исботлади.

Карл Маркс хизматларнинг айрим турлари оқилона таркибга эга эканлиги, ишлаб чиқариш жараёнининг давоми эканлигини таъкидлайди. Масалан, транспорт хизматларини саноат ривожиди самарали хизматлар сифатида баҳолайди: “Транспорт саноатнинг қўшимча ишлаб чиқариш жараёни учун зарур. Шунинг учун унга қўйилган капитал қисман транспорт воситалари қийматига қўшилади” [6].

Хизматлар назариясининг ривожланишига инглиз иқтисодчиси Альфред Маршалл ҳам муносиб ҳисса қўшди. У хизмат кўрсатиш соҳаси бевосита моддий маҳсулот ишлаб чиқармаса-да, моддий ишлаб чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш беради, деб таъкидлайди[7]. А.Маршалл инсонларнинг касбий маҳорати, фазилат ва қобилиятларини алоҳида баҳолайди. А.Маршалл кўп йиллар давомида олимлар ўртасида турли мунозара ва тортишувларга сабаб бўлган хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ муаммоларга аниқлик киритди. У барча неъматларни моддий ва номоддий неъматларга ажратади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам мамлакатдаги иқтисодий бойликни шакллантиришда бирдай муҳим эканлигини исботлашга алоҳида эътибор қаратди.

Иқтисодчининг фан олдидаги катта хизмати шундаки, у биринчилардан бўлиб, инсоннинг ҳаёт фаолияти ва эҳтиёжини қондиришда моддий ноз-неъматларнинг ўта муҳим ва

зарур эканлигини эътироф этиш билан бир қаторда, кўз билан илғаб бўлмайдиган турли номоддий ноз-неъмат ва хизматларнинг ҳам муҳим аҳамияти борлигини илмий жиҳатдан асослаб берди [8].

XX асрнинг биринчи ярмида Колин Кларк томонидан тармоқлар назарияси ишлаб чиқилди. У ўзининг жаҳонга машхур “Иқтисодий тараққиёт шартлари” номли асарида уч секторли иқтисодиёт ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тизимга хос ривожланиш қонунларига бўйсунушини асослаб берди. У ҳар бир мамлакат тараққиёти жараёнида қуйидаги уч босқични босиб ўтиш зарурлигини асослаб берди: “аграр жамият”, “индустириал жамият” ҳамда “постиндустириал жамият” [9]. Шунингдек, у “...қишлоқ хўжалиги тармоғида банд аҳоли сони нисбатан қисқариб боради, саноат тармоғида эса дастлаб қўлайиб, сўнгра эса камаяди, хизмат кўрсатиш соҳасида эса у доимо ошиб боради” деган фикрларни илгари сурди[10].

К.Кларк учта секторнинг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратди: қишлоқ хўжалиги сектори рентабеллик даражаси камайиш қонунига мувофиқ ривожланади. Саноат сектори рентабеллик даражасининг ошиш қонунига мувофиқ ривожланади. Учинчи сектор (хизмат кўрсатиш соҳасининг барча тармоқлари) эса ушбу иккала қонун талабига мос тарзда ривожланади [11].

А.Маршалл ва К.Кларк ғоялари асосида “Фишер-Кларк уч секторли иқтисодиёт назарияси” ишлаб чиқилди. Бу назариянинг моҳияти шундаки, жамият иқтисодиёти бир сектордан иккинчи секторга, иккинчи сектордан учинчи сектор томон ривожланади. Улар иқтисодиётнинг бир секторидан бошқасига ўтиш, биринчи навбатда, истеъмол табиати ўзгариши билан боғлиқ, деб ҳисоблайдилар. Аҳоли жон бошига даромад ошиши билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб аста-секин камаяди, саноат маҳсулотларига талаб маълум муддатгача ошади, хизматларга талаб эса узлуксиз ошиб боради.

Уч секторли иқтисодиёт назарияси кашфиётчиларидан яна бири – Ж.Фурастье. У “Йигирманчи асрнинг Буюк умиди” номли асарида мамлакат иқтисодий ривожланишининг учта тармоқ билан боғлиқлигини асослаб берди. Унинг фикрича, иқтисодиёти заиф ривожланган давлатда бирламчи сектор иқтисодиёти, ўрта ривожланиш даражасига эга давлатда иккиламчи сектор, иқтисодиёти ўта ривожланган давлатда эса учламчи сектор устун ривожланган бўлади[12].

Ж.Фурастьенинг фикрича, мамлакат иқтисодий жиҳатдан ривожланган бўлиши учун меҳнатга лаёқатли аҳолининг 70 фоизи учламчи секторда, 20 фоизи иккиламчи секторда ва 10

фоизи бирламчи секторда банд бўлиши лозим. Бу даражага иқтисодиёти юксак ривожланган Фарб мамлакатларида аллақачон эришилди.

2020 йил маълумотларига кўра, жами иқтисодиётда банд аҳоли сони таркибида хизматлар соҳасида банд бўлганлар улуши Канадада 79,1 %, Швецияда 80,4 %, Буюк Британияда 81,2 %, Сингапурда 84,0 % ва Люксембургда 88,2 %га етди[13]. Шундай қилиб, дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун хизмат кўрсатиш соҳаси ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг муҳим муаммоларини муваффақиятли ҳал этишнинг давлат бойлиги ҳамда аҳоли ҳаёт фаровонлигини шакллантиришнинг етакчи омилиги айланган.

XX асрнинг 50-70-йилларида индустриал мамлакатлар иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳаси устунлик қила бошлади, шунга мос равишда аста-секин секториал иқтисодиёт таркибида ўзгаришлар рўй берди. Шу муносабат билан ривожланган мамлакатларнинг фойдали амалиётларини ўрганиш жуда муҳим. Тадқиқотчи Д.С.Квасова Буюк Британия, Германия ва Франция мамлакатлари мисолида учинчи секторнинг ривожланишини чуқур таҳлил қилиб, бу мамлакатлар иқтисодиётига учинчи секторнинг шиддат билан кириб келишига аҳолининг турмуш тарзи, уларнинг менталитети, тарихий ривожланиш хусусиятлари, бошқа секторларнинг ривожланганлик даражаси, ҳукуматнинг ҳаракатлари таъсир этиши орқали амалга ошганини кўрсатиб берди[14].

Дарҳақиқат, бирламчи ва иккиламчи секторларнинг ҳолати учламчи секторни жадал ривожлантириш учун моддий база эканлигини эътиборга олиш зарур.

Жаҳон иқтисодиётида хизматлар соҳасининг барқарор ўсиш суръати кузатилмоқда. Ҳозир у жаҳон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 75 фоизини ташкил этиб, моддий ишлаб чиқариш соҳаси улушидан сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бу улуш Люксембургда 86,0 фоиз, АҚШда 79,6 фоиз, Францияда 77,6 фоиз, Бельгияда эса 76,1 фоизни ташкил этади [15].

Табиийки, Ўзбекистон иқтисодиёти ҳозир уч секторли иқтисодиётни шакллантиришда дунёнинг ривожланган мамлакатлари кўрсаткичларига тенглаша олмайди. Аммо иқтисодиётнинг учламчи секторини устун ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш лозим. Чунки у дунёда кечаётган постиндустриал жамият куришнинг объектив жараёнларидан четда қолиши мумкин эмас. Постиндустриал жамиятда хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг соғлиғи, кайфияти, меҳнатга муносабати, ишчи-ходимларнинг меҳнат унумдорлиги, ўз ҳаётдан розилик даражаси ва тараққиётига бевосита таъсир кўрсатади.

Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш ва қашшоқликни камайтиришда у муҳим ўринга эга. Халқаро меҳнат ташкилоти ҳисобкитобларига кўра, хизмат кўрсатиш соҳасининг 1 фоизга ошиши камбағаллик даражасини 1,5 фоизга камайтиради [16]. Мамлакатда учинчи секторнинг ривожланиши ва ЯИМ таркибида унинг улуши ошиши катта қийинчиликлар билан амалга ошмоқда. Ўзбекистонда ушбу секторнинг ривожланмаганлиги соҳани молиялаштириш учун инвестиция ресурслари етишмаслиги билан изоҳланади. Шунингдек, мамлакатдаги мавжуд таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш даражаси пастлиги ҳам бунга сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кунда постиндустриал жамиятга ўтишнинг долзарб масалаларига бағишланган тадқиқот ишлари сони ортиб бормоқда. Масалан, И.А.Киселева, С.О.Искаджян [17], А.Н.Макаревич[18], А.А.Волкованинг[19] тадқиқот ишларида, асосан, постиндустриал жамиятга ўтиш шартлари, иқтисодиётнинг ривожидан учинчи сектор ривожланишининг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. А.Н.Петров, Г.А.Карпова, Л.В.Хорева[20], А.Ю.Боташев[21], Д.С.Квасова [22], А.С.Булатова [23], О.Н.Балаева ва М.Д.Предводителева [24] эса учинчи сектор фаолияти ва ривожланишининг назарий жиҳатларини тадқиқ этиб, глобал миқёсда хизмат кўрсатиш соҳасида муаммоларни ўрганишга асосий эътибор қаратганлар.

Уч секторли иқтисодиёт назариясини ривожлантириш ва постиндустриал жамиятга ўтишга машҳур америкалик олим Д.Белл ҳам муносиб ҳисса қўшган [25]. У “Келаётган постиндустриал жамият. Ижтимоий прогнозлаштириш тажрибаси” номли асарида постиндустриал жамиятга ўтиш даврида иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларнинг асосий тенденцияларини чуқур таҳлил қилган. Юқорида қайд этилган олимлар томонидан уч секторли иқтисодиётни ривожлантириш борасида билдирилган ғояларга асосланиб, Ўзбекистонга хос уч секторли иқтисодиёт хусусиятларини шакллантирдик.

**Тадқиқот методологияси.** Билишнинг аниқ усуллари йиғиндисига таянган ҳолда илмий таҳлиллар, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, таҳлилнинг мантикий усуллари ҳамда натижани илмий ўрганиш услубларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар (асосий қисм).** Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига ҳиссасини ошириш – ўз-ўзидан яқун эмас, балки мақсадга эришиш воситаси. Бундай ёндашув билан бутун миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва мутлақ ва нисбий ишлаб чиқа-



риш ҳажмлари ошиши биринчи ўринга қўйилиши керак. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига эътибор берсак, хизмат кўрсатиш соҳасини энг жадал ривожлантириш ташаббуси билан чиққан ва иқтисодиётда устун мавқеини таъминлаган мамлакатлар дастлаб миллий иқтисодиёт самарадорлигини тубдан ошириш мақсадини кўзлаганини кузатиш қийин эмас. Улар учинчи сектори фойдасига иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришлар хавфи ва тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олди ва натижада ажойиб ютуқларга эришди, дунёнинг ривожланган мамлакатлари рўйхатида муносиб ўрин эгаллаб, халқи учун юксак турмуш даражасини таъминлади.

Айниқса, Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг мазкур босқичида хизмат кўрсатиш соҳасига алоҳида эътибор ортиши тасодифий ҳодиса эмас. Мамлакатимиз саноатлаштиришнинг асосий мақсадини белгилаб олган бир пайтда саноати ривожланган мамлакатлар узоқ (XX асрнинг иккинчи ярми) тараққиётининг кейинги босқичига – ахборот ва хизмат кўрсатиш иқтисодиётини қуришга ўтган. Натижада XX аср охирларига келиб, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда экстенсив типдаги индустриал жамият ўз ўрнини интенсив типдаги ривожланган постиндустриал жамиятга бўшатиб берди. Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланган давлатлар орасида муносиб ўрнини эгаллаши, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини тубдан яхшилашни таъминлаш учун бугун хизмат кўрсатиш соҳасини, яъни иқтисодиётнинг учинчи секторини жадал суръатлар

билан ривожлантиришни жадаллаштириш, унинг ЯИМ шакллантиришдаги ўрни ва аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини иш билан таъминлаш даражасини сезиларли даражада оширишга эришиш лозим.

Тадқиқотлар натижасида хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишига салбий таъсир этувчи омиллар аниқланди. Салбий омиллар қаторида, биринчи навбатда, мустақиллик йиллари хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш суръатлари етарли даражада юқори бўлмаганлиги, сўнгги йилларда эса бироз секинлашганини қайд этиш лозим. Ўзбекистонда мустақиллик йилларидан бери ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмида аҳолига кўрсатилган хизматлар улуши атиги 6,2 пунктга ошди (1990 йилда у 32,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда у 38,8 фоизга ўсди). Иқтисодиётдаги хизмат кўрсатиш соҳасининг бундай ўсиш суръатлари жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришларнинг глобал тенденцияларига ҳам, ўтиш даври иқтисодиёти тараққий этган мамлакатда учламчи секторга қўйиладиган талабларнинг ортишига ҳам тўғри келмайди. Қозоғистонда ушбу йиллар давомида хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улуши 34,1 фоиздан (1990) 53,9 фоизгача (2020) ошди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси ўз мавқеини йўқота бошлади ва иқтисодиётнинг иккиламчи сектори улушининг ошиши туфайли мамлакатда ялпи қўшилган қийматида учламчи секторнинг улуши бирмунча қисқара бошлади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМ ва бандликнинг иқтисодий сектор бўйича тақсимланиши, %

Секторлар	Йиллар					
	2017		2018		2020	
	ЯИМ	Бандлик	ЯИМ	Бандлик	ЯИМ	Бандлик
Бирламчи	34,0	44,0	32,4	26,6	27,1	26,2
Иккиламчи (саноат ва қурилиш)	27,9	20,0	32,6	22,2	34,1	23,3
Учламчи	38,1	36,0	35,9	51,2	38,8	50,5
Жами иқтисодиёт бўйича	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига қўра тузилган.

Шу билан бирга, иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонидан хизмат кўрсатиш соҳасида банд ходимларнинг улуши 36,0 фоиздан (2017 йил) 50,5 фоизгача (2020 йилда) ошди.

Жадвал маълумотлари кўрсатмоқдаки, сўнгги тўрт йилда Ўзбекистон ЯИМдаги учинчи секторнинг улуши атиги 0,7 пунктга ошди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг тармоқлари бозори ривожланмаганлигидан далолат беради. Бу келгусида хизматлар ҳажмини янада юқори суръатларда ошириш вазифасини қатъий белгилайди.

Мамлакатда учинчи сектор ҳолатини аҳолининг истеъмол харажатлари таркибига қўра аниқлаш ҳам мумкин. Аҳоли истеъмол харажатлари таркибида озиқ-овқат учун қилинган харажатлар салмоғи қанчалик юқори бўлса, у мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш суръати пастлигидан далолат беради. Аксинча бўлса, яъни аҳоли истеъмол харажатлари таркибида озиқ-овқат учун қилинган харажатлар салмоғи кам бўлиб, хизматларга қилинган харажатларнинг салмоғи кўп бўлса, у мамлакат иқтисодиёти ривожланганлигини англатади.

Ҳозирги кунда БМТ томонидан турмуш даражасининг халқаро стандартлари тасдиқланган. Унга кўра аҳоли харажатлари умумий таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатларнинг салмоғи 60 фоиз ва ундан юқори бўлса, ушбу мамлакатларни ўта камбағал деб ҳисоблаш, агар у 50-60 фоиз атрофида бўлса, турмуш даражаси паст бўлган мамлакат, 40-50 фоиз бўлса, ўртача кўрсаткичдан паст бўлган

мамлакат, агар у 30-40 фоиз бўлса, ўртача мамлакат. Борди-ю, у 20-30 фоиз бўлса, ўртача кўрсаткичдан юқори мамлакат, 20 фоиздан кам бўлса, жуда бой мамлакат деб баҳоланади. Таҳлил натижалари кўрсатдики, сўнгги йигирма йил мобайнида Ўзбекистон аҳолисининг харажатлари таркибида ижобий ўзгаришлар юз берди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2000-2020 йилларда истеъмол харажатларининг таркибий ўзгариши

Ўзбекистон иқтисодиётида сўнгги 2000-2020 йилларда хизматларга давлат харажатлари улушини оширишнинг ижобий тенденцияси кузатилмоқда. Қувонарлиси, бу ҳолат озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун оила бюджетини маблағлари қисқариши туфайли юз берди. 1-расмдаги маълумотлар кўрсатадики, хизмат кўрсатиш соҳасига қилинган харажатлар улуши 12,8 фоиздан (2000 йилда) 20,5 фоизга (2020 йилда) ошган. Бундай ўзгаришларни мамлакат аҳолисининг реал даромади ошиши, турмуш шароити ва ҳаёт сифати яхшиланиши, деб баҳолаш мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан унинг ўсиш суръатларини таъминлаш, биринчи навбатда, бу соҳага ажратилаётган инвестиция ресурслари ҳажмига боғлиқ. Расмий статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистонда учламчи сектор ривожланиши учун инвестиция ресурсларининг 55,2 фоизи сарфланган [26]. 2017 йил билан таққослаганда, учинчи сектор учун ажратилган инвестициялар улуши атиги 2,3 пунктга ошган (2017 йилда 52,9 фоиз эди). Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш суръатларини тезлаштириш учун жами инвестиция харажатларининг умумий миқдоридаги улушини иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқларидаги инвестиция харажатларини камайтириш ҳисобига амалга ошириш мумкин эмас.

Бундай сиёсатнинг амалга оширилиши иқтисодиётнинг бирламчи (қишлоқ хўжалиги) ва иккиламчи (саноат ва қурилиш) тармоқлари манфаатларига секзиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон иқтисодиётининг бирламчи ва иккиламчи тармоқлари ҳам улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлиб, инвестиция ресурсларига эҳтиёж сезмоқда.

Қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, мамлакат ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришга катта ҳисса қўшмоқда (2020 йилда 27,1 фоиз) [27]. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун қулай табиий иқлим шароитига эга мамлакат. Ўзбекистон пахта, мева-сабзавот маҳсулотларининг кўплаб турлари, мева ва узум, пилла, қорақўл ва жун маҳсулотларини етиштириш бўйича МДХ мамлакатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инвестиция ресурслари етишмаслиги туфайли қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун улкан иқтисодий салоҳият ва имкониятлар рўёбга чиқмай қолди.

Учинчи сектор корхоналарининг иқтисодий фаолиятини жадал ривожлантириш, хизматлар ҳажмини кенгайтиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, уларнинг иқтисодий ўсишдаги аҳамиятини ошириш учун ички тармоқларни таркибий ўзгартириш бўйича фаол сиёсат юритиш лозим. Учинчи секторнинг иқтисодиётдаги мавқеини мустақамлаш ва ролинини ошириш таълим, илм-фан ва илмий тадқиқот,

ахборот-коммуникация технологиялари, банк-молия хизматлари ва бошқа замонавий хизмат турларини жадал ривожлантириш билан бево-сита боғлиқ. Шу билан бирга, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳо-лати ва стратегик мақсадларини ҳисобга олган ҳолда, энг истиқболли учта тармоқни жадал ривожлантириш лозим. Биз Ўзбекистоннинг учинчи сектори жадал ривожланишини таъмин-ловчи қуйидаги тармоқларини ривожланти-ришни тақлиф қиламиз: биринчиси – фан ва таълим, иккинчиси – туризм, учинчиси – рақамли хизматлар бозори.

Таълим Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини устувор ривожлантиришнинг асосий йўналишидир. Ҳар бир миллат иқтисодиёти-нинг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши малакали ва тажрибали кадрларга боғлиқ.

Туризм хизмат кўрсатиш соҳасини ривож-лантириш учун ҳам истиқболли йўналиш ҳисоб-ланади. Мамлакатнинг бой тарихий-маданий мероси ва улкан сайёҳлик салоҳиятини ривож-лантириш аҳоли даромадларини ошириш ва иқтисодий ривожланишнинг кучли омилига ай-ланиши, ишсизлик муаммоларини ҳал қилиши мумкин. Халқнинг турмуш тарзи ва менталите-ти, кўп асрлик урф-одатлари, тартиб ва анъана-лари, одамларнинг меҳмондўстлиги, ноёб мил-лий таомлари, табиий витаминларга бой сабза-вот ва мевалари хорижий сайёҳларни жалб этишга қодир.

Ўзбекистонда сўнгги уч йилда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга эътибор қара-тила бошлади. Давлатимиз раҳбари рақамли иқтисодиётга фаол ўтишни келгуси беш йил учун асосий устувор йўналишлардан бири сифатида белгилади. 2020 йил 28 апрелда 4699-сонли “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳуку-матни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда 2023 йилга бориб, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига улушини 2 баробарга ошириш режалаштирилган.

2020 йилда Ўзбекистоннинг иш билан банд аҳолиси орасида АКТ соҳасидаги мутаха-ссислар улуши 0,5 фоизни ташкил этгани кўрсатилган [28]. Аммо ушбу кўрсаткич Европа мамлакатларида 3,7 фоизга тенг. Демак, Европа мамлакатларида АКТ соҳасида банд аҳоли улуши Ўзбекистоннинг АКТ соҳасидаги банд аҳоли улушидан 7,0 мартага кўп. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча тармоқ-ларида АКТ соҳаси мутахассисларига талаб тез суръатлар билан ошиб борапти. Бунини Ўзбекис-тондаги аҳоли ва ташкилотлари учун 780 турдаги давлат хизматларидан атиги 185 таси электрон шаклда мавжудлигини айтишнинг ўзи кифоя.

**Хулоса ва тақлифлар.** Хизматлар соҳаси жуда катта тарихий давр мобайнида бир неча босқичларни босиб ўтди. Кишилиқ жамияти та-раққиётининг ҳозирги босқичида у ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг етакчи омилига, эри-шилган ютуқлар даражасини баҳолашнинг бош мезонига айланди. Шунга мос тарзда ривожлан-ган мамлакатларда уламчи секторни ривож-лантиришга катта эътибор берилмоқда. Аммо Ўзбекистонда хизматлар соҳасини ривожланти-ришга етарли даражада эътибор берилмаяпти.

Муаммони ҳал этиш учун, биринчидан, соҳага йўналтирилган инвестицион ресурслар-нинг ялпи инвестициялардаги улушини аста-секин ошириб бориш керак. Хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилган ресурслар бирлигига яратиладиган ялпи ички маҳсулот ҳажми ҳам, яратиладиган янги иш ўринлари сони ҳам, рен-табеллик даражаси ҳам миллий иқтисодиётнинг бошқа секторларига нисбатан юқори. Иккинчи-дан, хизматлар соҳасига йўналтирилган инвес-тицион ресурсларни соҳа тармоқлари бўйича тақсимлаш сиёсати – таълим хизматлари, соғ-лиқни сақлаш, рақамлаштириш хизматлари, ту-ризм хизматлари каби тармоқлар улушини оши-риш ҳисобидан инвестициялаш.

Хизматлар соҳасига инвестицион ресурс-ларни кўпайтириш сиёсати амалга оширилса, Ўзбекистоннинг келажаги мазкур соҳа билан узвий боғлиқлигини зинҳор унутмаслик керак.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бреславцева Н.А. Бухгалтерский учет на предприятиях сферы услуг. – Ростов н/Д: Феникс, 2006. – 441 с.
2. Жаҳон банки 2021 йилда Ўзбекистон ЯИМ ўсишини тахмин қилди. <https://www.gazeta.uz/ru/2021/01/06/outlook> (05.02.2021 кун мурожаат).
3. Смит Адам. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т. 1. – М., 1935. С. 279.
4. Дунё Сирсумнавигатион энциклопедияси. Universal машхур илмий энциклопедия. <https://ru.wikipedia.org/wiki>. (мурожаат қилди: 14.06.2021).
5. Энгельс Фридрих, Анти-Дюринг, Маркс К. и Энгельс Ф. Сочинения. Изд. 2-е, Т. 20, с. 318.
6. Маркс К. Капитал. Т. 2. Маркс К. и Энгельс Ф. Сочинения. Изд. 2-е, Т. 24, с. 169-170.
7. Marshall A. Principles of Political Economy. – Т.–М., 1983.
8. Альфред Маршалл. Принципы экономической науки. – М.: Прогресс, 1993.
9. Clark C. The Conditions of Economic Progress. – London: Macmillan, 1940.
10. Трёх секторов теория. // Экономическая энциклопедия. Политическая экономия. – М.: Советская энциклопедия, 1980. Т. 4. С. 176-178.

11. [https://spravochnick.ru/ekonomika/struktura\\_sektorov\\_ekonomiki/teoriya\\_sektorov\\_ekonomiki/](https://spravochnick.ru/ekonomika/struktura_sektorov_ekonomiki/teoriya_sektorov_ekonomiki/) (09.03.2021 куни мурожаат).
12. Fourastié J. *Le Grand Espoir du XXe siècle: Progrès technique, progrès économique, progrès social.* – Paris : Presses Universitaires de France, 1949.
13. [https://www.economicdata.ru/economics.php?menu=macroeconomics&data\\_t](https://www.economicdata.ru/economics.php?menu=macroeconomics&data_t) (09.03.2021 куни мурожаат).
14. Квасова Д.С. Развитие третичного сектора экономики в развитых странах. Труды БГТУ Серия 5, № 2, 2018, с. 86.
15. [https://www.economicdata.ru/economics.php?menu=macroeconomics&data\\_t](https://www.economicdata.ru/economics.php?menu=macroeconomics&data_t) (09.03.2021 куни мурожаат).
16. <https://мулохаза.уз/хабар/сфера-услуг-в-приоритетах-посстановления> (16.03.2021 куни мурожаат).
17. Киселёва И.А., Исканджян С.О. Сфера услуг как основа развития современной экономики. // Финансовая аналитика: проблемы и перспективы, 2013. № 46.
18. Макаревич А.Н. Предпосылки становления и экономические особенности функционирования сферы услуг. // Вестник Новгородского государственного университета, 2010. № 60. – С. 8-12.
19. Волкова А.А. Сфера услуг: теоретический анализ. // Известия Санкт-Петербургского государственного экономического университета, 2014. № 4 (88). – С. 11-16.
20. Петров А.Н., Карпова Г.А., Хорева Л.В. Концептуализация подходов к формированию целостной теории услуг. // Известия СПбУЭФ. 2012. № 1. С. 40-50.
21. Боташев А.Ю. Теоретические аспекты оценки влияния сферы услуг на развитие экономики страны. // Управление экономическими системами, 2014. № 32. С. 4-10.
22. Квасова Д.С. Теоретические аспекты секторного структурирования экономики. Вестник Брестского государственного технического университета, 2019. № 3, с. 45-50.
23. *Мировая экономика.* / Под ред. А.С. Булатова. – М., 2005, с. 186.
24. Балаева О.Н., Предводителева М.Д. Роль сферы услуг в мировой экономике. // Маркетинг услуг. 2010. № 4 (16). – С. 248-256.
25. Bell D. (1999). *The coming post-industrial society.* – М.: Academy.
26. Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам. – Т., 2021. 176-б.
27. Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам. – Т., 2021. 39-б.
28. Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Статистик тўплам. – Т., 2021. 40-б.



## INKLYUZIVLIK MAMLAKAT IQTISODIY RIVOJLANISHI VA INSON KAPITALINING ASOSIY KO'RSATKICHI SIFATIDA

 [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a15](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a15)

**Xolbayeva Sabina Rustamovna -**  
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti huzuridagi  
“O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning ilmiy  
asoslari va muammolari” ilmiy-tadqiqot markazi doktoranti

**Annotatsiya.** Iqtisodiy rivojlanish va farovonlik uzoq muddatli iqtisodiy o‘shish bilan bog‘liq bo‘lganligi sababli, yuqori va barqaror o‘shish sur‘atlariga erishish har doim iqtisodiy siyosatning asosiy maqsadlaridan biri bo‘lib kelgan. Maqolada nafaqat iqtisodiy o‘shishni ta‘minlash, balki inson kapitalining umumiy farovonligi va rivojlanishini ta‘minlaydigan inklyuziv o‘shishni ta‘minlash zarurligi ta‘kidlangan. Maqolada inklyuziv rivojlanish indeksining konsepsiyasi milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligi, uning barqarorligi va ijtimoiy yo‘naltirilganligi uchun integral baholash mezonini sifati bilan ko‘rib chiqilgan.

**Kalit so‘zlar:** inson kapitali, inklyuzivlik, turmush darajasi, iqtisodiy o‘shish, YaIM, inklyuziv institutlar, davlat.

## ИНКЛЮЗИВНОСТЬ КАК ГЛАВНЫЙ ПОКАЗАТЕЛЬ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ СТРАНЫ И ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА

**Холбаева Сабина Рустамовна -**  
докторант Научно-исследовательском центре  
“Научные основы и проблемы развития  
экономики Узбекистана» при ТГЭУ,

**Аннотация.** Экономическое развитие, процветание и благосостояние связаны с долгосрочным экономическим ростом, поэтому достижение высоких и устойчивых темпов роста всегда было одной из ключевых целей экономической политики. В статье подчеркивается необходимость обеспечения не просто экономического роста, а инклюзивного, всеохватывающего роста, который обеспечивает всеобщее процветание и развитие человеческого капитала. Рассматривается концепция Индекса инклюзивного развития, выступающего интегральной оценкой конкурентоспособности национальной экономики, ее устойчивости и социальной ориентированности.

**Ключевые слова:** человеческий капитал, инклюзивность, уровень жизни, экономический рост, ВВП, инклюзивные институты, государство.